

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **250** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–345-сонли Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 14 май,  
ПҚ–1965-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2013 йил 14 майдаги  
ПҚ–1965-сонли қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди учинчи хатбошидаги «кредит уюшмалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чоратадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ–726-сонли қарори 4-бандининг биринчи хатбошидаги «кредит уюшмалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ–1090-сонли қарори билан маъқулланган Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини янада жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар комплексининг 16-банди учинчи хатбошидаги «ва кредит уюшмалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги ПҚ–1325-сонли қарори билан тасдиқланган Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширадиган ва банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари рўйхатининг 5-бандидаги «кредит уюшмалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ–1438-сонли қарорида:

а) 1-банди еттинчи хатбошидаги «кредит уюшмалари» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илованинг 64-банди тўртинчи хатбошидаги «ва кредит уюшмалари» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2-иловада:

II бўлимнинг «а» кичик банди ва 16-бандидаги «кредит уюшмалари ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

10-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

30-бандидаги «кредит уюшмалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ–1843-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат солиқ хизмати идораларига солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (туғатилиши) тўғрисида маълумот тақдим этадиган идора ва ташкилотлар рўйхатининг 6-бандида:

5-кичик банди чиқариб ташлансин;

6-кичик банди 5-кичик банди деб ҳисоблансин.